

Ҳ У К М
Ўзбекистон Республикаси номидан

2025 йил сентябрь ойининг 05 куни, жиноят ишлари бўйича Мирзачўл туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

судья А.Шайдоевнинг раислигида,

судья ёрдамчиси А.Нарзуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Мирзачўл туман прокурорининг ёрдамчиси А.Абдусодиқов ҳамда судланувчи Т.Шнинг иштирокида, Ш.Т.Ёга нисбатан 1-1310-2501/91-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Ш.Т.Ё - 1984 йил 15 майда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, [REDACTED]

[REDACTED] бўлиб ишловчи, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

хонадонда яшовчи, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 20 августда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан айбланган

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Т.Ш 2025 йил 13 апрель куни соат 19:30ларда, Мирзачўл тумани, “Тошкент” ҚФЙ, Тоғаймурод кўчасида ўзига олдиндан таниш бўлган жабрланувчи Д.Кушбаков билан учрашган вақтда, у билан ўзаро жанжаллашиб қолишиб, жанжалда давомида Д.Кушбаков унга судга оид тиббиёт экспертизасининг 2025 йил 22 апрелдаги №132-сонли хулосасига кўра, ўнг қўл бешинчи бармоғидаги тишланган яра ва танасини орқа қисмига қонталаш каби “Соғлиғини бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳати” жароҳатлар етказганлигидан жаҳли чиқиб, Д.Кушбаковнинг танасини турли жойларига қасдан уриб, унга судга оид тиббиёт экспертизасининг 2025 йил 01 майдаги №148-сонли хулосасига кўра, кўз косаси чапдан медиал девори постровматик силжиб синиш ёғ қатлами этмоидал бўшлиққа пролапси, чап юз кўз юмшоқ тўқималари лат ейиши, қонқуйилиши, чап қўл 4-кафт суяги синиши, сохта овоз бойламига қонқуйилиши, чўмичсимон суяк травмаси каби “ўртача оғир шикаст” етказган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Т.Ш, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2025 йилнинг 13 апрель куни кечки вақт соат тахминан 19:30ларда, ишдан уйига қайтиб келаётган вақтида, Мирзачўл тумани



Тошкент ҚФЙ, Тоғаймурод кўчасига етган вақтида кўп қаватли уйлар олдида маҳалласида яшовчи Д.Кушбаков, Б.Салиев ва А.Давировлар туришган бўлгани, у уларнинг олдидан ўтиб кета туриб, автомашинасидан тушиб, улар билан саломлашгани, шу вақти Д.Кушбаков уни “сенсираб” гапиргани, у уни биров маст ҳолда эканлигини билгани, у маст ҳолда бўлиб ундан ёши кичик бўлиб “сенсираб” гапиргани учун иккаласи гап таллашиб, тортишиб қолганликларини, шу вақти у уни орқа елка қисмига мушти билан ургани, уни бу ҳаракатидан жаҳли чиқиб у ҳам уни юз қисмига мушти билан ургани, шу вақти у уни ўнг қўл бармоқ қисмидан тишлаб олгани, уни бармоғидан тишлаганига чидай олмай яна юз қисмига бир икки мушт ургани, шу вақти иккаласини жанжалини Б.Салиев ва А.Давировлар ажратишгани, шу билан жанжал тугагани, эртаси куни жабрланувчи Д.Кушбаков билан учрашиб бўлиб ўтган жанжалдан хафа бўмаслигини, йигитчиликда бўлиб туришини айтиб, ярашмоқчи бўлгани, унга шифохонада даволаниш учун харажат керак бўлса деб, 6 млн. сўм пул бергани, бироқ, жабрланувчи Д.Кушбаков у билан ярашишни истамагани, жабрланувчи Д.Кушбаковга тан жароҳати етказганлигини тан олишини ва қилмишидан пушаймонда эканлигин билдириб, суддан унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Давиров Абдулла Марди ўғли, жабрланувчи Д.Кушбаков амакиси экани ва у бугунги кунда озодликдан маҳрум этиш жазосини Қашқадарё вилоятида ўтаб келаётгани, 2025 йилнинг 13 апрель куни кеч соат тахминан 20:00ларда, Мирзачўл тумани Гагарин шаҳридаги “Юлдуз” тўйхонасидан тўйдан чиқиб, уйга қайтгани, Д.Кушбаков маст ҳолда бўлгани учун маҳаллаларига борганларидан сўнг кириш жойида “шамоллаб” олиш автомашинадан тушгани, шу вақти амакиси Б.Салиев бошқарувидаги автомашинасида келиб қолгани, Б.Салиев улар билан саломлашиб турган вақти маҳаллаларида яшовчи Т.Ш келиб қолгани, Т.Ш улар билан саломлашган вақтда Д.Кушбаков маст бўлгани учун унга “сенсираб” гапиргани, шу сабабли иккаласи тортишиб ёқалашиб кетгани, Д.Кушбаков Т.Шни елкасига мушти билан ургани учун Т.Ш ҳам Д.Кушбаков юз қисмига бир икки мушти билан ургани, иккаласи жанжалашиб кетишганидан сўнг, Д.Кушбаков Т.Шни қўлидан тишлаб олгани, шунда Т.Ш Д.Кушбаковни яна юзига мушти билан ургани, шу вақти Б.Салиев иккаласи уларни жанжалини ажратишгани ҳақида кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Салиев Бобур Мирзабек ўғли ҳам айнан гувоҳ А.Давировнинг кўрсатувларига ўхшаш кўрсатма берди.

Суд, суд мажлисида тўпланган далилларга баҳо бериб, судланувчи Т.Ш гарчи ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдирган бўлса-да, унинг қилмиши жиноий ҳаракатлари суриштирув давомида тўпланган бирламчи ҳужжатлар, жумладан, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари, судга оид тиббиёт экспертизаси хулосаси ҳамда жиноят ишидаги бошқа тўпланган далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши қайд этилган бўлиб, суд, судланувчи Т.Шнинг қилмиш жинойи ҳаракати суд мажлисида тўлиқ ўз исботини топган ва тергов органи томонидан унинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Т.Шга жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисидаги” 1-сонли қарорида белгиланган раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб (ЖКнинг 55-моддаси) унинг шахсини, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келаётганлигини, айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонда эканлигини, жабрланувчининг ножоиз ҳаракати оқибатида жиноят содир этганлигини, унинг айбида жазосини оғирлаштирувчи ҳолат (ЖКнинг 56-моддаси)лар мавжуд эмас деб топиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш орқали уни ахлоқан тузатиш мумкин деб топиб, унга нисбатан у айбланаётган моддаси санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471-473, 475-моддаларига асосан суд ҳукм қилади:

Ҳ У К М :

Судланувчи Ш.Т.Ё Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан иш ҳақининг 15 (ўн беш) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари Т.Шнинг ўз иш жойида ўтаттирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўташ муддатини бошланиши корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан ҳисоблансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини назорат қилиш судланувчи Т.Шнинг яшаш жойидаги Мирзачўл туман ИИБ пробация хизмати зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Т.Ш суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазо муддатининг жами ўттиз кундан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товласа ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқари чиқиб кетса,



ЖКнинг 46-моддасига асосан, суд, ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги хусусида огоҳлантирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи Т.Шга қўлланилган “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар, шу жумладан судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган вақтдан бошлаб, ўн сутка муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация тартибида, шу суд орқали Жиззах вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят қилишга, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Раислик этувчи :

(имзо)

А.Шайдоев

Нусхаси аслига тўғри

А.Шайдоев

